

Рамазоннинг 41 фазилати (ўн олтинчи мақола)



17:00 / 15.05.2020 1309

38. Рамазонда унутишнинг ҳам фазилати бор. Ибодатларда унутишга йўл қўйиш аслида яхши саналмайди. Аммо рўздорнинг унутиши ҳам унга Аллоҳ таолонинг икромиди, инояти ва фазлу марҳаматининг нишониди бўлади.

Деярли барча саҳиҳ тўпламларда Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Агар эсда йўқ еб-ичиб қўйса, рўзасини тугал қилсин. Чунки уни Аллоҳ таомлантирибди ва суғорибди», деганлар.

39. Рамазонда яхши амалларнинг ажру савоби бир неча барорбарига кўпайтириб берилади. Рамазон ҳақида Салмон Форсийдан ривоят қилинган узун ҳадисда жумладан: «Ким унда ихтиёрий равишда бир яхши иш қилса, худди бир фарзни адо этгандек бўлади. Ким унда бир фарзни адо этса, худди етмишта фарзни бажаргандек бўлади», дейилган.

Ибн Ражаб раҳматуллоҳи алайҳи айтади: «Рўзанинг шундоқ ҳам бошқа амалларга нисбатан ажри бир неча баробар кўп бўлгач, Рамазоннинг рўзаси ҳам бошқа рўзаларга нисбатан бир неча барорбар устун бўлади. Бу унинг вақтининг шарофати ва у Аллоҳ фарз қилган рўза бўлганлиги ҳамда У

Зот бу рўзани Ислом барпо қилинган аркон – устунларнинг бири қилгани эътиборидандир».

Рамазонда яхши амал қилган киши табиий равишда уни рўзадор ҳолда бажаради. Бир амални ибодат ичида қилиш уни бошқа пайт қилишдан кўра фазилатли ва савобли бўлади.

Ҳасанхон Яҳё Абдулмажид